

Ахлоқни сайқаллаш йўли

05:00 / 28.02.2017 3927

Ўтган сатрлардан ахлоқда мўътадил бўлиш нафснинг соғломлиги, мўътадилликдан оғиш дард ва беморлик экани аён бўлади. Энди нафсни даволаш ҳам худди баданни даволаш каби бўлади.

Бадан мукаммал равишда яратилмагани, ғизо ва тарбия ила мукаммал бўлгани каби, нафс ҳам тўлдирилишга муҳтож ҳолда яратилаи. Нафс поклаш ва ахлоқни сайқаллаш ҳамда уни илм билан ғизолантириш ила мукаммал бўлади.

Агар бадан соғлом бўлса, табибнинг вазифаси унинг соғлигини сақлаш бўлади. Агар у бемор бўлса, соғлигини тузатишга ҳаракат қилиши керак бўлади.

Шунингдек, нафсда покизалик сайқалланган бўлса, уни сақлаб янада бақувват қилиш пайдан бўлинади. Агар баркамол бўлмаса, унга баркамолликни жалб қилиш лозим бўлади.

Баданнинг хасталигига сабаб бўлган иллатни унинг зидди ила даволанади. Иссиқлик сабабидан хаста бўлган бўлса, унга совуқлик берилади. Тескариси бўлса, аксинча даволанади.

Шунингдек, ахлоқнинг бузуқ бўлишига сабаб бўлган қалб хасталиклар ҳам ўзининг зидди ила даволанади. Мисол учун, жоҳиллик дарди илм билан даволанади. Бахиллик дарди сахийлик, кибр тавозу билан даволанади.

Баданларни тузатиш учун дорининг аччиғига чидаш ва иштаҳа тортиб турган нарсани тарк қилишда сабр керак бўлганидек, қалб хасталигини даволашда ҳам мужоҳаданинг аччиғига чидаш ва даволаш машаққатига сабр қилиш лозим бўлади. Унутмаслик лозимки, баданнинг хасталигидан ўлиб қутилиш мумкин, аммо қалб хасталигидан ўлиб ҳам қутилиб бўлмайди.

Муридлар нафсининг даволовчиси уларнинг ҳаммасига бир хил риёзатни белгилайвермаслиги керак. Аввало, уларнинг ахлоқларини ва хасталикларини текшириб кўрсин. Ҳамма дардни бир хил дори билан даволаб бўлмайди.

Шариатни билмайдиган жоҳилни кўрса, илм билан даволайди.
Мутакаббирни кўрса, уни тавозуни ҳосил қиладиган давони буюради.
Аччиғи тез одамни кўрса, унга ҳилмни ўргатади ва ҳоказо.